



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

Шавкат Собирович Олтаев Ўзини-ўзи банд қилишда заиф бандликдан унумли бандликка ўтишнинг инновацион йўллари	84
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Камбағалликни қисқартиришда ижтимоий хизматларнинг ўрни	88
Farruh Shadiyrovich Shanazarov Essence and content of the concept of poverty	92
Sunnatillo Bakhriddin o‘g‘li Iskandarov Xizmat ko‘rsatish sohasida oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishning milliy iqtisodiyotdagi o‘rni va funksiyalari	95
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Анвар Нематович Холикулов Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини аниқлаш йўллари	99
Komoliddin Jurabayevich Matkarimov, Adxamjan Akbarovich Urinov Transport xizmatlari eksportini modellashtirish va bashoratlash masalalari	103
Shohsanam Nuritdinovna Niyozova Milliy iqtisodiyotda internet xizmatlari bozorining samaradorligini oshirish va takomillashtirish yo‘llari	107
Dilshod Sultanovich Musinov Xizmat ko‘rsatish sohasida investitsion loyihalar samaradorligini oshirish yo‘llari	112
Aziza Tolibovna Raxmonova Xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirishda oilaviy tadbirkorlikni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash samaradorligi	117
Hamdam Iris o‘g‘li Allayorov Raqamli iqtisodiyot sharoitida milliy aloqa xizmatlari bozorining o‘ziga xos xususiyatlari	123
Нигина Бахтиёрвна Рузиева Изучение инновационного развития сферы услуг в зарубежных странах	127
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Suxrob Ramazonovich Bobokalonov Jozibador turistik destinatsiya tushunchasining mazmun-mohiyati, ilmiy-nazariy yondashuvlarning qiyosiy tahlili	130
Malika Axmad qizi Qurbonova Turizm va mehmonxona xizmatlarining aylanma mablag‘lar bilan ta‘minlanganlik darajasi va uning iqtisodiy barqarorligiga ta‘siri	135
Abduvoxid Quldoshevich To‘rayev Turizmda hududlar salohiyatidan oqilona foydalanishning nazariy asoslari va tamoyillari	140
Ойдин Давроновна Хамракулова Зеленая экономика и экологический туризм в экономике Узбекистана	143
Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов Туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш жараёни	147
Матлубахон Абдиманабовна Куймуратова Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий масалалари	152

Список использованной литературы :

1. Постановление Президента РУ «О мерах по повышению эффективности реформ, направленных на переход Республики Узбекистан на «Зеленую экономику» до 2030 года, 22 дек. 2022г.-lex. uz
2. Порфирьев Б. «Зеленая» экономика: реалии, перспективы и направления роста. [Электронный ресурс].-Режим доступа: Бf://catee*e.ш/2013/04/04/аЯХе8 (дата обращения: 20.04.19).
3. Осуществление Повестки дня на XXI век, Программы дальнейшей реализации Повестки дня на XXI век и итогов Всемирного саммита по устойчивому развитию. Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей (A/RES/64/236) [Электронный ресурс]. -Режим доступа: https://www.iom.int/ja-hia/webdav/shared/shared/mainsite/policy_and_research/un/64/a-res-64-236.pdf .
4. Иванова Н.И., Левченко Л.В. «Зеленая» экономика: сущность, принципы и перспективы // Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2017. № 2 (58). С. 19-28.
5. Современные технологии помогут развивать туризм в Узбекистане.- www. podrobno uz
6. Афанасьев О.В., Афанасьева А.В. Концепт «экологического туризма» в мировой и российской практике: компаративный анализ и кейсы // Современные проблемы сервиса и туризма. 2017. Том 11. № 4. С. 7-257
7. Hamrakulova O.D .Problems of service in the hotel business in Uzbekistan.(в соавторстве с Temmoeva Ekaterina)- - International Journal of Engineering Mathematics: Theory and Application (Online) 1687-6156, vol 5 ,issue 3, 2023, p. 24-33- [http ://iejemta com/](http://iejemta.com/).
8. Хамракулова О.Д. Проблемы инвестирования в туристическом секторе экономики Узбекистана.-жур. «Сервис», внеочередной выпуск, 2023г., 192-195 стр.

<p style="text-align: center;">O.Xamrakulova</p> <p style="text-align: center;">O‘zbekiston iqtisodiyotida yashil iqtisodiyot va ekologik turizm</p> <p>Annotasiya. Mamlakatlar iqtisodiy rivojlanishining hozirgi tendensiyalari yashil iqtisodiyot kabi yangi iqtisodiy yo‘nalishlarning paydo bo‘lganligini ko‘rsatadi. Ishda barqaror iqtisodiy rivojlanishning shakllanish bosqichida ekoturizmni kengaytirish zaruriyati o‘rganilib, O‘zbekistonda ekoturizmni rivojlantirishni takomillashtirish bo‘yicha aniq tavsiyalar taklif etilgan.</p> <p>Kalit so‘zlar: iqtisodiyot, yashil iqtisodiyot, turizm, ekoturizm, iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish, moslashuvchan iqtisodiy mexanizm, turizm infratuzilmasi, bozor vositalari.</p>	<p style="text-align: center;">O.Khamrakulova</p> <p style="text-align: center;">Green economy and ecological tourism in the economy of Uzbekistan</p> <p>Abstract. Current trends in the economic development of countries show the emergence of new economic directions such as the green economy. The work examines the need to expand eco-tourism in the phase of establishing sustainable economic development and increasing the well-being of the population. In addition, it shows the problems of this type of tourism and offers specific recommendations for improving and accelerating the development of eco-tourism in Uzbekistan.</p> <p>Keywords: economics, green economy, tourism, ecological tourism, state regulation of the economy, flexible economic mechanism, tourism infrastructure, market instruments.</p>
---	--

Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов – Қарши давлат университети Туризм ва маркетинг кафедраси доценти

ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ИШЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ

<p>Аннотация. Мазкур мақолада туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш жараёни сценарийсини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий, институционал, ҳуқуқий ва интеграция векторларини комплекс амалга ошириш жиҳатлари ва самарадорлигини ошириш ҳамда мижозлар эҳтиёжларини кондириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар қиёсий таҳлиллар асосида ёритилган.</p> <p>Калит сўзлар: туризм хизматлари бозори, ижтимоий-иқтисодий, институционал, ҳуқуқий ва интеграция векторларини комплекс, туризм соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш, туризм индустрияси.</p>
--

Кириш. Туризм хизматлари бозорини ривожлантиришнинг фаол сценарийси амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий, институционал, ҳуқуқий ва интеграция векторларини комплекс амалга ошириш орқали мумкин бўлади ва пассив сценарий вазибаларига ҳам, жаҳон туризм бозорига интеграцияни таъминлашга ҳам эътибор қаратилади, инновацион бозор тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда жаҳон туризм маконига интеграциялашув нуктаи назаридан туризмнинг анъанавий секторларини мослаштириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир сценарий ижобий бўлиб, туристик хизматлар бозори таркибидаги ва умуман миллий иқтисодиётдаги миқдорий ва сифат ўзгаришларини белгилайди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида илмий адабиётларда келтирилган назарий материалларга асосланган ҳолда мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мавжуд маълумотларни таҳлил қилишда индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил каби услублар ва ёндашувлар қўлланилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мижозлар эҳтиёжларини қондириш бўйича тадқиқотлар бир қатор илмий манбаларда кенг ёритилган. Қуйида туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш жараёни билан боғлиқ адабиётлар таҳлили келтирилган.

Stephen Page va Joanne Connelling “Tourism Management” китобида туризм хизматлари бозорининг структуралари ва функциялари кенг ёритилган. Китобда туризм саноатининг ривожланиш стратегиялари, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва бозорни таҳлил қилиш масалалари муҳокама қилинади. Оптималлаштириш жараёни бўйича туризм хизматларининг самарадорлигини ошириш учун стратегиялар, маркетинг режалари ва мижозлар эҳтиёжларини қондириш механизмлари ҳақида маълумотлар берилган.[1]

John Swarbrooke va Susan Hornering “Principles of Tourism” китобида туризмнинг асосий тамойиллари, бозор таҳлили ва хизматларни оптималлаштириш усуллари ёритилган. Китобда туризм бозорини сегментлаш, бозорни таҳлил қилиш ва хизматлар сифатини яхшилаш бўйича тавсиялар мавжуд. Китобда хизматларни бошқариш, янги хизматларни жорий этиш ва бозор талабларини қондириш бўйича методологиялар муҳокама қилинади.[2]

Jay Kandampullyning “Service Quality Management in Hospitality, Tourism, and Leisure” китобида хизмат кўрсатиш сифатини бошқариш ва хизматлар бозорида оптималлаштириш бўйича қимматли тавсиялар мавжуд. Китобда мижозлар эҳтиёжларини тушуниш, хизмат сифатини ўлчаш ва яхшилаш учун методологиялар тақдим этилади. Шунингдек, туризм ва меҳмондорчилик соҳасидаги хизматларни сифатли бошқариш бўйича тажрибалар ва назариялар ёритилган.[3]

Туризм хизматлари бозорини рақобатбардош ривожлантириш, уни ишлаб чиқиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш учун фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.[4]

Таҳлил ва натижалар. Шундай қилиб, туризмни самарали ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини ва мамлакат иқтисодиётига пул тушумларини сезиларли даражада ошириши, шунингдек, бир томондан, турли даражадаги бюджетларга солиқ чегирмаларининг ўсишини таъминлаши мумкин ва туристлар бандлигини ошириш, иккинчи томондан, ҳудудлар ва унга туташ ҳудудларни ривожлантириш лозим. Буларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодиётида халқаро сайёҳлик ролини ошириб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, туристлар турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун шароит яратади. Минтақада туризм хизматларини ривожлантиришнинг механизмини яратиш эса оптимал ечим ҳисобланади.

Умуман олганда, туризм хизматлари бозорини ривожлантириш мақсадларига эришиш учун, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни таъминлаш зарур:

- миллий ва минтақавий миқёсда туризм сиёсатининг мувофиқлиги ва туризмни ривожлантиришдан манфаатдор барча томонларнинг ваколатлари ва масъулияти

функцияларини аниқ белгилаш: хусусий сектор, профессионал нодавлат ташкилотлар ва маҳаллий ҳамжамиятнинг ҳолати;

- ижтимоий шерикликнинг горизонтал ва вертикал интеграциялашган институтини: давлат, хусусий сектор ва уларнинг касбий бирлашмалари ва бирлашмаларини жорий этиш.[5]

Ушбу сценарийларни амалга оширишнинг тўлиқлиги, биринчи навбатда, Ўзбекистон туризм хизматлари бозорини ривожлантиришнинг муайян векторларининг бутун мамлакат учун аҳамиятига ва қисқа ва ўрта муддатли истиқболда стратегик устуворликлар ва мақсадларга эришиш имкониятига боғлиқ, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш концепциясини тўлиқ амалга ошириш натижасида жорий ички ва ташқи сиёсатга боғлиқ бўлиб, маълум мақсадларга қўшимча равишда давлат ичидаги кирувчи, чикувчи, халқаро, миллий туристик оқим ва оқимларнинг кўпайиши кутилмоқда:

- республикада валюта тушумларининг ортиши;
- туристик хизматлар бозори субъектлари, айниқса, интеграциялашган туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш ва уни тарқатиш сегментида - туристик операторлар ва турагентлар сонининг кўпайиши;
- юқори сифатли кўп тармоқли интеграцияланган туризм маҳсулотини ишлаб чиқишнинг умумий амалиётини босқичма-босқич қўллаш;
- туризм иқтисодиётининг микродаражадаги субъектларини ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини ошириш;
- ҳамроҳ бўлган туризм соҳаларига кучли мультипликатор таъсир кўрсатади, бандлик ва ялпи ички маҳсулотдаги даромадлар ўсишини таъминлайди;
- туризм индустриясини қурилиш, суғурта, молиявий, маданий, чакана савдо ва спорт фаолияти ва бошқаларнинг катализатори сифатида шакллантириш;
- жаҳон туристик хизматлари бозорида республиканинг туристик имиджини ошириш, туризмни барқарор ривожлантириш бўйича халқаро дастурларга жалб этиш, бу борадаги миллий норма ва стандартларни ишлаб чиқиш;
- туризм соҳасида қўшма халқаро лойиха ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- виза, чегара, божхона, туристик расмиятчилик ва ҳоказоларни бартараф этиш ёки юмшатиш сиёсатини фаол амалга ошириш.

Туризм хизматлари бозорини ривожлантиришда туризм соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим масала бўлиб, уни ҳал қилиш учун, бизнингча, қуйидагилар зарур:

- давлат ва хусусий бошқарувнинг тегишли даражасини, шунингдек, республика ва маҳаллий назорат қилувчи органларнинг ҳаракатларини аниқ мувофиқлаштиришни таъминлаш;
- туристик хизматлар бозорида хусусий ташаббусларни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- самарали рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;
- маиший ташқи ва ички бозорларга туристик маҳсулот бўйича зарур ҳуқуқий хужжатларни қабул қилиш;
- туризм индустриясининг ахборот маконини шакллантириш ва бошқалар.

Институционал, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, интеграция векторларининг ўзаро таъсирига асосланган ва туризм хизматлари бозорининг фазовий кутбланиш омиллариининг кўп қиррали намоён бўлиш таъсирини ҳисобга олган ҳолда стратегияни амалга ошириш доимий барқарорликни таъминлаш учун тизимли комплекс шароитларни яратишга имкон беради.

Кўриб чиқилган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш бозор муносабатлари шароитида оптимал қарор қабул қилишни таъминлайди.



1-расм. Туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш жараёни

Оптимал моделлар, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда уларнинг оптимал вариантыни топишга хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, улар оптималлик мезонлари бўйича мақсад функциясига максимал ёки минимал қиймат бера олади. Оптималлаштирувчи моделлари икки қисмдан иборат:

1) чекланишлар тизимлари ёки иқтисодий тизим ўзгаришини шарт- шароитлари;

2) оптималлик мезони (мақсад функцияси). Бу мезон иқтисодий тизим мумкин бўлган ҳолатининг самарадорлик даражасини аниқлаш, таққослаш ва ундан энг қулайини танлаш учун ишлатилади.

Тузилаётган иқтисодий-математик моделлар реал жараёнларга асосланган бўлиши уларни турли мезонлар ёрдамида текшириб бўлгандан сўнг моделлар тузилган бўлиши лозим. Моделларни тузиш жараёнида иқтисодиётнинг ҳали ўрганилмаган қонуниятлари очилади, бу эса ишлаб чиқариш субъектлари ва истеъмолчилар томонидан самарали қарорлар қабул қилишни таъминлайди. Замонавий ахборот-компьютер технологияларидан фойдаланиш асосида иқтисодий-математик моделларнинг реаллигини таъминлаш мумкин. Шу сабабли бугунги туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш жараён механизлари асосида кўрилади (1-расм).

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки ушбу механизм асосида тизимли ёндашиш, тадқиқот услубиятидаги йўналишлар объектни кўп сонли ички ва ташқи алоқалардан иборат бўлган элементлардан ташкил толувчи мураккаб тизим сифатда ўрганишга таянади. Тизимли ёндашиш объектни чуқур ва атрофлича ўрганишга, объект ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишга, унинг алоҳида бирликлари орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашга имкон беради. Умуман олганда туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш жараёни тизимли ёндашишнинг асосий хусусияти тизим элементларининг ўзаро таъсири, ўзаро боғлиқлиги, ўзаро боғланиши ва динамик характерда бўлиши, комплекслиги, бутунлиги, буйсунганлиги,

етақчи бўғинни ажралганлигидир. Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб куйидаги таклифларни бермоқчиман.

- Йўл ва транспорт тизими бўйича туризм жойларига етиб бориш осон бўлиши учун йўл ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш;
- Отел ва турар жойлар бўйича ҳар хил даражадаги отел ва турар жойлар сонини кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш;
- Туристлик объектлар ва жойлар бўйича маданий, тарихий ва табиий объектларни ривожлантириш ва уларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш;
- Онлайн бронлаш тизимлари бўйича туристлар учун қулай онлайн бронлаш тизимларини жорий этиш;
- Мобиль иловалар ва веб-сайтлар бўйича туристик маълумотларни ўз ичига олган мобиль иловалар ва веб-сайтларни яратиш;
- Big Data ва сунъий интеллект бўйича туристлар эҳтиёжларини олдиндан билиш ва уларнинг тажрибасини яхшилаш учун маълумотларни таҳлил қилиш орқали туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини янада оптималлаштиришга эришиш мумкин.

Тизимли ёндашиш иқтисодий таҳлилда хизмат кўрсатишдаги иқтисодий муаммоларни илмий асосланган вариантларини ишлаб чиқиш ва бу вариантларни самарадорлигини ҳисоблаш йўли билан энг мақбул бошқариш қарорларини танлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Page, S. J., & Connell, J. (2014). *Tourism Management*. Routledge.
2. Swarbrooke, J., & Horner, S. (2007). *Principles of Tourism*. Elsevier.
3. Kandampully, J. (2007). *Service Quality Management in Hospitality, Tourism, and Leisure*. Routledge.
4. Mukhitdinov Kh.S. Econometric Modeling Of Public Service Networks. *Psychology and Education* (2020) 57(8): 625-632 ISSN: 00333077
5. Suyinovich, Muxitdinov Xudoyor, Rakhimov Anvar Norimovich, and Muxitdinov Shoxjaxon Xudoyorovich. "The forecast for the development of the public services sector." *Solid State Technology* 63.6 (2020): 18671-18681.
6. Mukhitdinov, Shoxijahon Khudoyarogli. "An imitation model of quality utility services to the population." *South Asian Journal of Marketing & Management Research* 10.12 (2020): 44-50.
7. Ш.Х. Мухитдинов, “Қишлоқда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб ошириш”, 2021/8/7

<p>Ш.Мухитдинов</p> <p>Процесс оптимизации механизма работы рынка туристических услуг</p> <p>Аннотация. В данной статье рассмотрен ряд научных исследований по реализации сценария процесса оптимизации рынка туристических услуг, аспектам комплексной реализации социально-экономического, институционального, правового и интеграционного векторов и повышения эффективности, а также на основе сравнительного анализа рассмотрено удовлетворение потребностей клиентов.</p> <p>Ключевые слова: рынок туристических услуг, сложные социально-экономические, институциональные, правовые и интеграционные векторы, финансовая поддержка туристской отрасли, туристическая отрасль.</p>	<p>Sh.Mukhitdinov</p> <p>The process of optimizing the working mechanism of the tourism services market</p> <p>Abstract. This article examines a number of scientific studies on the implementation of the scenario of the process of optimization of the tourism services market, aspects of the comprehensive implementation of socio-economic, institutional, legal and integration vectors and increasing efficiency, and also, based on a comparative analysis, considers the satisfaction of customer needs.</p> <p>Keywords: tourism services market, complex socio-economic, institutional, legal and integration vectors, financial support of the tourism industry, tourism industry.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.